

# ТАЪЛИМНИНГ КУЧИ

Жереми Хензелл-Томас



# Таълимнинг кучи

Жереми Хензелл-Томас



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

*Бишкек 2023*

УДК 297  
ББК 86.38-6  
Ж 59

**Китоб хомийси:**  
**Халқаро ислом тафаккури институти**  
**Херндон Виржиния**  
**Билимлар интеграцияси институти**  
**Гуржистон Тбилиси**

Китоб муаллифи: Жереми Ҳензелл-Томас  
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Фарҳад Абдуллаҳ: – Б.: 2023  
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини акс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига кафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан  
тасдиқланган №96**

**Таълимнинг кучи (Uzbek)**

*Жереми Ҳензелл-Томас*

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)  
1445 АН / 2023 СЕ  
*Paperback* ISBN 978-9967-493-61-2

**The Power of Education (Uzbek)**

*Jeremy Henzell-Thomas*

© The International Institute of Islamic Thought (IIIT)  
1439 АН / 2018 СЕ  
*Paperback* ISBN 978-1-56564-568-4  
IIIT  
P.O.Box 669  
Herndon, VA 20172, USA  
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган  
ISBN 978-9967-493-61-2

УДК 297  
ББК 86.38-6

## МУҚАДДИМА

Мусулмон жамиятларида таълимни ривожлантириш (АЕМС) лойиҳаси бугунги кунда таълимда кузатилаётган муаммолар ва кўплаб қийинчиликларни тан олишдан келиб чиққан. Интенсив учрашувлардан сўнг, 2013-йилнинг 9-10-декабрида Вашингтонда Уилсон маркази билан биргаликда “Мусулмон жамиятларида олий таълим ислоҳоти” мавзусида икки кунлик илмий кенгаш бўлиб ўтди. Шу каби кенгаш Ҳалқаро ислом тафаккури институти (ҲИТИ) Лондон идораси томонидан 2014-йили Буюк Британияда ташкил этилди ва натижада профессор Абделваҳоб Эл-Аффенди ва доктор Жереми Ҳензелл-Томас томонидан иккита мақола ишлаб чиқилди. Булар кейинчалик профессор Зияуддин Сардор томонидан номланган “Исломлаштиришдан билимлар интеграциясигача: Олий таълимдаги ислоҳотларни қайта кўриб чиқиш” номли бирлашган мақолага айланди. 2016-йилнинг 18-19-март кунлари Туркияда Истанбул университетининг Илоҳиёт факультети ва МАҲЯ билан ҳамкорликда “Мусулмон жамиятларида таълим ислоҳоти” мавзусидаги иккинчи конференция бўлиб ўтди. 2015-2017-йиллар оралиғида Лондон, Истанбул, Коня, Вашингтон, Брюссел, Кейптаун ва бошқа жойларда бир қанча давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

АЕМС лойиҳаси нашрлар сериясининг бир қисми сифатида Зияуддин Сардор ва Жереми Ҳензелл-Томаснинг “*Олий таълимда ислоҳотни қайта кўриб чиқиш*” мақоласи 2017-йилда нашрдан чиқди, сўнгра 2018-йилда унинг қисқартирилган нашри чоп этилди. *The Postnormal Times Reader* журналининг таълимга қаратилган жихатлари Postnormal Policy and Futures Studies маркази билан ҳамкорликда нашр этилмоқда. Яна бир нашр – “*Болаларни ўқитиш: Таълимни ривожлантиришга ахлоқий, маънавий ва яхлит ёндашув*” ҳозирда Анн Эл-Мосли-мани томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Билимли онг – кучли онгдир, шунинг учун ушбу мақола-нинг сарлавҳаси “*Таълимнинг кучи*” деб номланади. Зеро, таъ-

лимнинг табиати ва хусусиятлари ўзи учун билим олишдан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, таълим шунчаки интеллектуал ривожланиш бўлибгина қолмай, у жамият таркибининг бебаҳо қисмини ташкил этади ва шахс, жамият, умуман инсониятнинг келажак тараққиётига таъсир қилувчи пойдевор ҳисобланади. Шу сабабли, у давомий равишда фикрлаш, қайта тикланиш ва ривожланиш учун муҳим соҳага айланмоқда.

Ушбу элементларни ўрганиш орқали АЕМС лойиҳаси интеллектуал ривожланишга қиймат ва урғу беришга интилади, билимларни пассив қабул қилиш ва мунтазам ўрганишдан ташқари, шахс ва инсониятни яхшилашга интилади. Шу аснода у таълимнинг кўп жиҳатларини ҳисобга олади, шунингдек, энг асосийси ҳисобланган таълимнинг ўз мақсадларини ҳам. Муҳими, ўрганилган ва фойдали деб ҳисобланган барча нарсаларнинг мақсади сифатида, моддий ва шахсий тараққиёт тизимида умуминсоний қадриятлар, этика, маънавият ва ҳаётийликни тиклашдир.

Талабаларга таълимнинг асосий мақсадини нақадар муҳимлигини қадрлаш ва англашни ўргатиш, ўзаро ҳурмат, раҳм-шафқат ва ижтимоий масъулият каби маънавий дунёқарашни сингдириш жуда муҳимдир. Бу мавжуд тартибларни қайта кўриб чиқиш, янгиларини инновация қилиш, шунингдек, жамиятнинг руҳий ва маънавий меъёрларини, у фаолият юритадиган бош тамойилларни ва асосларни самарали ҳисобга олган ҳолда мавжуд билимлар билан биргаликда ишлашни талаб қилиши мумкин.

Бир фикрлилик ва тор дунёқарашдан фарқли равишда, АЕМС замонавий тармоқлашган дунё ва глобал ҳамжамиятларнинг кўплиги ва хилма-хиллигини тан олади ва билимга самарасиз ва бир хил ёндашувлардан воз кечиб, турли мамлакат ва маданиятлар яшаётган воқеликни янада кенгроқ ва ижодий тушунишга интилади. Бу мақола биринчи марта *Critical Muslim* журналининг 2015-йил, апрел-июнь ойларидаги 14- “Power” сонидида пайдо бўлди. Таклиф этилган ғоялар ва фикрлар муаллифга тегишли бўлса-да, у кўтарилган масалалар бўйича баҳс ва мунозараларни рағбатлантириш мақсадида АЕМС лойиҳаси билан боғлиқ равишда муҳокама қоғози сифатида нашр этилмоқда.

# ТАЪЛИМНИНГ КУЧИ

## СУҚРОТ ВА СЎРАШНИНГ КУЧИ

Мен ушбу мақолани ёзаётганимда, *The Times* газетасининг биринчи саҳифасида World Exclusive нашри чиқди, унда Британия музейи Лондондан Элгин (Парфенон) мармарларининг биринчи марта ҳайкаллардан бирини Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейига ижарага беришга рухсат бергани ҳақида хабар берди. Кейинги саҳифалардаги мақолалар Россияга Европа Маърифатида иштирок этишига имкон берилиши, 1764-йилда Буюк Кетрин томонидан ташкил этилган музейда санъат асарининг кутилмаган кўринишининг оқибатлари ҳақида эди. Албатта, Кремль ва Ғарб ўртасида совуқ уруш бошланишидан кўркув кучайган бир пайтда бу жой рамзий маънога эга эди. Британия музейи директори Нил Макгрегор музейлар ўртасидаги муносабатлар маданиятлараро кўприк ярата олувчи куч бўлиши сиёсий танглик ва бузилиш даврида муҳимлигига қаттиқ ишонар эди.

Эрмитажга берилган салобатли кўриниш қадимда Афина яқинидан оқиб ўтувчи дарёлардан бири бўлган Илосс дарёсини ифодалайди, деб тахмин қилинади. Афлотуннинг сўзларига кўра (Макгрегор таърифлаганидек) “Сократ Федр билан қирғоқ олдидаги чинорларнинг сояси остида суҳбатлашган, гўзаллик қиймати ва севги табиати ҳақида сўз юритган”. Шу билан бирга, “Эрмитаж бугунги интеллектуал изланиш ва сиёсий эркинлик замиридаги мулоқот ва муҳокаманинг асосий кадриятларини ўзида мужассамлаштиради” ва у “Қадимги Афина ва Маърифий Европанинг асл қийматининг ёрқин тимсолидир”.

Энди мен Макгрегорнинг бу табаррук нуқтаи назари ҳақидаги муҳим фикрини шубҳа остига олмоқчи эмасман. Аксинча, мен буни таълимнинг кучи ҳақида айтмоқчи бўлганларимга асос сифатида керакли ҳақиқат деб қабул қилмоқчиман. Шунга қарамай, Суқрот Афлотун таъбири билан айтганда, давлатнинг “қичитқи ўти”, отни ҳаракатга келтириб ғазаблантирувчи ва

танадаги тикандек бўлгани учун қатл этилганини ёдда тутиш керак. Менга Зияуддин Сардорнинг “*Critical Muslim*” журналининг яқинда чоп этилган “Хавфли эркин фикрловчилар” мавзусидаги кириш иншоси ёдимга тушди, у “эркин фикрлаш анъанавий, умумий ва устувор қарашларга қарши чикқани учунгина хавфли деб кўрилади” деб ёзади. Унинг сургун қилиниши, дея давом этади у, ҳеч ажабланарли натижа эмас. Сукротнинг холатида, таниқли афиналиклар унинг парадоксал донолиги туфайли аҳмоқ қилиб кўрсатилди ва фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий танқидчи сифатида унинг асосий “жизноятларидан бири” “худосизлик” (давлат худоларига ишонмаслик) деб баҳоланди.

Аммо шуни ёдда тутишимиз керакки, Сукрот на ўз-ўзини тарғиб қилувчи ўзининг ўтқир қарашлари ва бой тасаввурига мафтун бўлган инсон бўлган, на ўзининг эркин қарашларини дин ва “хурофот” га қарши гўёки “прогрессив” куч сифатида намоён қилган. Агар у бугун биз билан бўлганида, биз уни “Маърифат қадри” ёки “дунёвий инсонпарварлик” ёки “илмий материализм” ёки бошқа ҳар қандай “фундаментализм” ғалабасига, хоҳ дунёвий, хоҳ диний бўлсин, танқидсиз бўлишини ва бўйсунушини кутмаган бўлардик.

Сардор таъкидлаганидек, “билимдонлар камтарлик чинакам идрок этишнинг зарурий шарти эканлигини биладилар”, Афина улуғларини иккилантирган нарса Сукротнинг Делфи коҳинининг баёнотига қарши чикқани эди. Коҳиндан Сукротдан кўра доно одам борми, деб сўраганларида, у ҳеч ким йўқ, деб жавоб берди. Сукротнинг ўзи ҳеч қандай доноликка эга эмаслигига ишонганлиги сабабли, у буни ақлга сиғмайдиган дея тахлил қилди ва (уни рад этиш учун) донолиги билан машхур таниқли Афиналикларни сўроқ қилиш орқали жавоб топишга киришди. У хулоса қилдики, ўзини доно деб ҳисоблаган донишмандлар етарлича ақлли эмас, аммо унинг ўзи ўзини билимсиз деб билар эди ва бу, парадоксал равишда, уни доно қилиб қўйди, чунки у ўзининг нодонлигини билган ягона одам эди. Шунда Сукрот тушундики, коҳиннинг гапи тўғри экан.



Афлотуннинг “Узр” асарида Сукротнинг судда 500та ҳакам аъзолари олдидаги ўзини оқлаши ажойиб тарзда тасвирланган. Бу “ўзини оқлаш” эмас, балки Рассел Босворт сўзлари билан айтганда “яшашнинг фазилати англаган ҳолда қалбга ғамхўрлик қилишда, доноликда ва ҳақиқатга содиқ бўлишда” деган ғоянинг тасдиғи эди.

Насронийларнинг нуфузли тафаккурчиси, сиёсий фаоли, файласуф ва адабиёт арбоби Томас Мертон ёзади: “Инсонга хос фаолият фақат ақлий эмас. Чунки инсон шунчаки жисмсиз ақлдан иборат эмас. Бизнинг тақдиримизга ўйларимизни яшаб ўтиш битилган, чунки биз билганимизни яшамасак, биз бунни хаттоки сезмаймиз”.

Агар сиз Google сайтида “Таълимнинг кучи” иборасини қидирсангиз, ярим сониядан камроқ вақт ичида олинган бир ярим миллиард натижанинг энг яхшиларидан бири *Deutsche Welle* веб-сайтида “Таълим билим олишдан ҳам кўпроқ нарсани англатади” деган манифестни кўрасиз. У одамларга шахсий ривожланиши ва сиёсий фаол бўлиши учун куч беради. Аммо бу ҳар доим ҳам ҳукмдорлар манфаатига тўғри келмайди...” деган тўғри натижани ўқийсиз. Қўшимча қилиб айтиладики, таълим олиш инсоннинг асосий ҳуқуқи ҳисобланади ва у сиёсий тараққиёт, демократия ва ижтимоий адолат, одамлар авторитар ҳукмдорлар томонидан ҳокимиятни суистеъмол қилишларига қарши курашиш ва цензурасиз нуқтаи назарга эга бўлиш учун катта куч беради.

Бу ердаги асосий мақсад шахсий ривожланишни авторитаризмга қаршилик, эркинлик ва ижтимоий адолат учун курашиш билан таққослашдир. Қуръон жамият ўзгариши ва дунёнинг кенгайиши аввало инсоннинг ички олами ўзгариши орқали бўлишини айтади: “Яратувчи одамнинг ичи ўзгармагунча ҳолатини ҳам ўзгартирмайди”. (13:11) Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): “Ўзини билган Роббисини билади” деганлари ва (тўпламларда бўлмаса ҳам) энг катта жиҳод (*ал-жиҳод ал-акбар*) ўз нафсига қарши курашишдир. Қадимги Грек афоризми “Ўзингни бил” (*gnothi seauton*) Делфи ҳикматли сўзларидан



бири бўлган ва у Афлотун академияси бошчилигида Ашполон Ибодатхонасининг олди ҳовлисига ёзиб қолдирилган.

Мертон ўз-ўзини билиш ва шахсий ўзгаришларга асосланмаган фаоллик хавфли эканлигидан огоҳлантиради: “Ўз-ўзини англаш, эркинлик, ҳалоллик ва севиш қобилиятини шакллантирмасдан, бошқалар учун бирор нарса қилишга ҳаракат қиладиганларнинг аслида берадиган ҳеч нарсаси бўлмайди. Улар фақат ўзларининг бир жойда қотиб қолган фикрлари, тажовузкорликлари, нафсоний амбициялари, мақсадлар ва воситалар ҳақидаги чалғитишлари, нотўғри қарашлари ва ғояларини сингдиришларидан бошқа ҳеч нима бера олишмайди”.

Мен ўтказган веб-қидирувда Нелсон Манделанинг “Таълим – бу дунёни ўзгартириш учун ишлатишингиз мумкин бўлган энг кучли қурол” деган ибораси энг яхши натижани олди. Биринчи ўнликка кирган бошқа сайтлар орасида таълим “қандай қилиб одамнинг дунёга бўлган нуқтаи назарини ўзгартириш ва ҳаётни қандай тўғри яшаш” кучини беришини таъкидлайди, иккинчиси эса “буюк таълимнинг ўзгартирувчи кучи ҳамма нарсани ўзгартириши”ни тушунтиради.

Ҳозирда веб-қидирувлардан олинган манбалар кўпинча сон-саноксиз веб-сайтларда чексиз такрорланадиган иқтибослар билан тўлиб кетган. Интернетда бирор янгилик кимгадир боғлиқ бўлса, у тўлиқ ҳақиқат сифатида тарқалиб кетади. Шунингдек, у сонига асосланган ўзини-ўзи тўлдирувчи рейтинг тизими орқали машҳурлигини ошириши мумкин. Шунга қарамай, энг яхшиларида учрайдиган кўпгина ҳикматли сўзларнинг ўзагидан ўтадиган фикр билан мунозара қилиш хато бўлар эди. Энг катта аҳамиятга эга бўлган оддий ғоя – таълим ўзини ва дунёни ўзгартиришга қодир.

Лотинча *потере* (“қодир бўлиш”) инглизча “куч, кучли, салоҳият ва мумкин” сўзларининг манбаи бўлган илдиз сўз ҳинд-европача поти, у санскрит тилидаги *патиҳ*, “устоз” ни ҳам англатади. Инсон ўзи учун устоз бўлиш ўзига ва бошқаларга ёрдам этиш кучини беради.

Биринчи навбатда, энг яхши таълим бошқаларнинг ҳаётини ўзгартиришимиз учун ўзимизни тафтиш қилиш, билиш ва ўзгартиришга таъсир кўрсатиши керак.

## ОЧИҚ СЎРАШ ВА УМРБОД ИЛМ ОЛИШ

Ўзгариш, шунингдек, олинадиган билимлар ҳеч қачон тугамайди деган тушунчага асосланган очиқ сўров ва умрбод илм олишнинг чексиз саёҳатидир. Бу, албатта, нафақат интеллектуал билим олиш, балки руҳий ўсиш йўли ҳақида ҳамдир. Ҳақиқатни чуқурроқ англаш йўлида ташланган ҳар бир қадам орқали турли янги йўллар очилади, чунки Тангрининг яратувчилик кучи шунчалик чексиздир. Бундай тушунчалар борган сари кучли ишонч (*яқин*) олиб келади, лекин, ақлга сиғмайдиган равишда чалкашликни ҳам келтириб чиқаради, чунки руҳий эътиқод бир китобнинг тор тушунчасига тор дунё қараш томонидан берилган ёлғон ишонч билан бир хил эмас. Ибн Арабийнинг абадий давом этувчи таълим жараёнида “Ўз-ўзини намоён қилиш” орқали қалб эшигининг очилишидан келиб чиқадиган илохий саросимага тушиш (*ҳайрā*) ҳолатини тасвирлаган мистик мисолини кўришимиз мумкин. Бу ерда у Худонинг табиати ёки фаолиятининг намоён бўлишидан воқиф бўлиш, кашфиётларининг маъносини англаш абадий давом этишини тасвирлайди ва охир-оқибатда, бу ишнинг интиҳоси йўқлигини тушунади. Қуръони Каримда шундай дейилган: “Агар ер юзидаги барча дарахтлар қалам бўлса ва денгиз сиёҳ бўлса, унга етти денгиз қўшилган бўлса, Аллоҳнинг каломи битмасди...” (31:27)

Биз Сонг сулоласи давридан қолган Хитой қутиларининг узлуксиз “очилиш” жараёнига қисман ўхшашликни топишимиз мумкин, уларда кетма-кет кичикроқ қутилар бир-бирининг ичига жойлаштирилган. Бу қутиларнинг (япон ва кўпроқ машҳур рус *матрёшка* кўғирчоқлари) охиргиси ва энг кичиги анъанавий равишда битта гуруч донини ўз ичига олган бўлади.

Албатта, энг кичик кути ёки кўғирчоқни (бўшлиқ ва хом-ашёларнинг аниқ жисмоний чекловларини ҳисобга олган ҳолда) очишнинг аниқ бир яқуни бор. Охирги гуруч донаси бор бўлган кути туб моҳият ва асл ўлчовсиз нуктадир, ундан доимий равишда очилиб борувчи кутилар чиқиши мумкин ва “бунинг тўхташи мумкин бўлган ниҳояси йўқ”.

Таълим сўраш ва ўрганишни давом эттириш учун доимий қувват бериши керак. Бундан ташқари, у бизнинг онгимиз ва қалбларимизни барча билимлар манбаига ва унинг чексиз яратувчи кучига очиш қудратига эга.

## БУТУНЛИК, ПАРЧАЛАНИШ ВА ЎЗИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Эйнштейн ўзининг вориси деб ҳисоблаган физик Девид Бом жисмоний шакл доимий равишда очилиб борувчи ва ўз ичига олувчидир, яъни “коинотнинг ҳар бир қисми бир-бири билан боғлиқ бўлган асосий ва бўлинмас бутунлик” деб таърифлаган ғояни “аралаш тартиб” деб атаган. Бу Уилям Блейкнинг “дунёни қум заррасидек кўриш” ҳақидаги голографик тасаввурдир ва бу шунчаки хаёлот маҳсули эмас. Жон Стюарт Белл кашфиётларининг замирида ҳам ҳамма нарсанинг бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги ғояси ётади. У коинотдаги ҳар бир зарра бошқа бир зарранинг хотирасида борлигини айтади, чунки уларнинг барчаси дастлаб пайдо бўлиш ва қайтиш нуктаси ичида “бир бутун” бўлган. Қуръони Каримда “Ҳар бир нарсани жуфт яратдик” дейилади (51:49) ва кўпликда бирлик бордир.

Бом бирлиги ва боғлиқликни кўра олмайдиган тафаккур шаклимиздан келиб чиқадиган долзарб муаммоларга ишора қилади. Бу шахсда ва умуман жамиятда тўхтовсиз тартибсиз ва маъносиз тўқнашувларни, кенг кўламли – ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, психологик инқирозларни келтириб чиқаради. Бом томонидан берилган бу тушунча унинг китоби 1980-йилда нашр этилганидан кейин янада кучайди. Ва, албат-

та, Бом у ерда диний можароларни, шунингдек, ксенофобиянинг кучайиши ҳақида ҳам айтиб ўтган. Маданий, этник, диний, миллий ёки цивилизациявий устунлик учун таълимотлар ва кадриятларни бузиш ва ўзлаштиришда эксклюзивизм, қабилавийлик, зафарпарастилик ва тор қарашли сиёсатнинг заифлаштирувчи ва ҳатто ҳалокатли натижаларини кўриш учун бугунги дунё воқеаларига қарашнинг ўзи етарли.

Ибн Халдун “асхобия” (қабила партиявийлиги, этноцентризм) атамасини ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўллаган. Бу бирдамлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликнинг манбаи бўлиши мумкин, аммо унинг салбий кўринишида қабилавий хурофот ва тор шахсий манфаатларни қўллаб-қувватлайдиган шовинистик ва бемаъни этноцентрик менталитетдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ота-боболарининг шон-шухратлари билан мақтанувчиларга муносабати яхши бўлмаган ва исломда жоҳиллик (*жоҳилия*) такаббурлигига ботган кимсаларни Ислом дини ёқламаган ва барча инсонлар Одам Атодан эканидан огоҳлантирган: Қуръонда (49:13) бизни хушёр бўлишга ва тўғри иш қилишга ундайдиган *тақводан* бошқа ҳеч қандай устунлик йўқлиги, Аллоҳга бўлган муҳаббат ва қўрқувни кучайтиришни айтган. Бу оят ҳар қандай этник/ирқий, миллий, синфий ёки қабилавий хурофотларнинг яширин қораланиши бўлиб, Муҳаммад пайғамбар томонидан очик-ойдин айтилган: “Қабилавий фирқавийлик қиладиганлар ва қабила фирқалиги йўлида курашаётганлар, қабила фирқачилиги йўлида вафот этганлар биздан эмас”. Пайғамбар алайҳиссаломдан қабилавий тарафдорлик деганда нимани назарда тутаётганини сўрашганида, “Бу ўз халқингга ноҳақ ишда ёрдам беришдир”, деб жавоб бердилар. Қабилачиликни рад этиш Муҳаммад алайҳиссалом ёшлигида, ҳали пайғамбар бўлмаган пайтларида тузилган солихлар аҳдига (*ҳилф ал-фудул*) ҳам хосдир. Бунда қабила бошлиқлари ва аъзолари адолат йўлидаги низоларга аралашиб, ким бўлишидан қатъи назар, қандай иттифоқ бўлишидан қатъи назар, уларни бошқа қабилалар томонидан келувчи зулмга қарши мазлумлар билан бирга бўлишни ўзларининг умумий бурчи

эканига ваъда берганлар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Исломга зид бўлмаган кадриятларни маъқуллаши, адолат, ахлоқ ва жамият манфаати тамойиллари бундан мустасно эмаслигини айтиб ўтган.

Таълим парчаланишни тўхтатиш, низоларни ҳал қилиш ва шахсиятнинг тор тушунчасидан баландда туриш ваколатини бериши керак.

## ИНСОН БИЛИМЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ

Ўн икки ёшли болалигимда маҳаллий жамоат кутубхонадан уч дюймли телескопни олиб, олти ой давомида тунги осмонни хариталаштирганимни эслайман. Ўйлайманки, ота-онам бу катта ишимдан хурсанд бўлишди. Мен ўзимни ҳеч бўлмаганда бекорчиликдан сақламоқчи эдим. Сатурн сайёрасининг кўзга ташланиб туришини ҳайрат билан эслайман. Мен ҳаваскор бўлсамда, асбобим билан учта асосий ҳалқани аниқ кўрардим, лекин катта телескоплар 8 та ҳалқани очиб беради ва Кассини каби орбитал космик кемалар энди 30 та ҳалқани ва улар орасидаги бўшлиқларни кўриши мумкин. Аслида ҳалқаларнинг умумий сони номаълум.

Янги ҳалқаларнинг кашфиёти шуни кўрсатадики, инсон билими ривожланади ва кенгайди, шунинг учун бу кенгайишнинг бебаҳо бўлган энг муҳим омилларидан бири фикр алмашиш, маданиятлараро учрашув ва алмашинувидадир. Аҳмад Мустафо ва Стефан Сперл яқинда нашр этишган муқаддас геометрия ва араб қаламига оид илм-фанга бағишланган “*Магнум опус*” (ажойиб иш) деб аталган йирик асарида Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин Аббосийлар вазири Ибн Муқла томонидан мутаносиб ёзув ихтиро қилинишидан олдин уч аср ўтиши кераклигини кўрсатдилар. X асрда Бағдоддаги устоз котиб Ибн ал-Баввоб, Ислом маданияти (ва араб тилининг илмий терминологияси) билан қамраб олинган билимлар бошқа аввалги цивилизация ютуқларини ўз ичига олиши ва ўзлаштириши учун

етарлича кенгайиши керак эди. Бу огоҳлик жараёни Қуръон оятида таъкидланган: “Биз уларга ўз белгиларимизни коинотнинг энг уфқида ва ўз қалбларида кўрсатамизки, уларга бу асли ҳақиқат экани аён бўлсин”. (41:53) Бу ерда, мен тушунганимдек, уфқлар (*афқ*) атамаси инсон онгининг кенгайиши ва камолотига, шунингдек, инсон билимларининг турли соҳаларига ишора қилади. Қуръоннинг илк нозил бўлган оятлари бизни ўқишга чорлайди: “Ўқинг, Роббингиз инсонларга ўзи билмаган нарсаларини – қаламдан фойдаланишни ўргатган Раҳматли зотдир!” (96:3-5) Муҳаммад Асад қалам барча билимлар тимсоли эканлигини ва инсоннинг ўз фикрлари, кечинмалари ва идрокларини ёзувлар орқали шахсдан шахсга, авлоддан-авлодга етказиши мумкун бўлган ноёб нарсалигини таъкидлайди.

Шу аниқки, маданий алмашинув кўп йўналишларда фойдали бўлган жараёндир. Агар Ислом цивилизацияси юнонларга фалсафа, ахлоқ ва геометрия учун қарздор бўлса, Ғарб цивилизацияси Муҳаммад Асаднинг Қуръонга сингиб кетган ва “ўша ажойиб илм ва илмий изланишлар даврини яратган, дунёни ажратиб турувчи “онг ва билимга” бўлган қатъийлик деб таърифлагани учун қарздордир. Сўнги йилларда бошқа маданиятлар ва цивилизацияларнинг Ғарб цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини синчковлик билан эътибордан четда қолдирмайдиган, шу пайтгача кенг тарқалган ғарбий қарашларни тўғрилайдиган бир қатор китобларни кўриш бизни жонлантиради. Асаднинг таъкидлашича, Қуръон “мустақил изланиш ва интеллектуал қизиқувчанлик” маданиятини келтириб чиқарди, у ўрта асрлар Европаси онгига сон-саноксиз йўллар билан кириб борган ва биз Уйғониш даври деб атайдиган Ғарб маданиятининг қайта тикланишига сабаб бўлган ҳамда илм-фан асри деб таърифланган даврнинг туғилиши учун катта ҳисса қўшган. Мен бу ерда романчи Себастьян Фолкснинг Қуръонни рад этгани ва шунга нисбатан Зияуддин Сардорнинг *The Guardian* журналидаги гўзал изоҳини эсга олдим. Фолкс Қуръонни (Сардор таъкидлаганидек, “у тушуна олмайдиган даражада мураккаб бўлган мавзу”) “жуда хафсалани пир қилувчи”, “бир

ўлчовли”, “зерикарли”, “маънавий суст” “тушкунликка туширувчи китоб” деб таърифлаган эди. Сардор таъкидлаганидек, агар шундай бўлганида, қандай қилиб у диндорларни илм-фанни ривожлантиришга ва экспериментал услубни тарғиб қилишга, университетлар ва тадқиқотларга асосланган касалхоналар ташкил этишга ва фалсафий изланишларни ривожлантиришга ундайди? Таълим инсоният билимларининг кўплаб манбалари ва йўналишларини, уларнинг инсоният цивилизацияси ривожланишидаги уйғунлигини фарқлаш ва кадрлаш кучини бериши керак.

## ЎЗГАЧА ҚАРАШЛАРГА ОЧИҚЛИК

Куръондан олинган актив импульс бир вақтнинг ўзида ҳам идрокка, ҳам маънавиятга таъсир қилувчидир. У тарбиялаган цивилизация ҳақиқатни идрок эта олади, бу энг юқори поғонада Яратувчи ҳақидаги билимдир, чунки ҳеч бир олий цивилизация бу номга лойиқ ҳисобланмайди, агар у йўналтирган интеллектуал қизиқиш ахлоқий ва маънавий кадриятларга асосланган бўлмаса.

Шуни ҳисобга олиб, Рим папаси Францискнинг 2014-йил 14-ноябрда Страсбургда Европа парламентида қилган мурожаатига жавоб қилиш ўринли бўлмасди. У Рафаэлнинг Ватикандаги машхур “Афина мактаби” фрескаси ҳақида гапирди. У ерда Афлотун ва Аристотель марказда туради. “Афлотуннинг бармоғи”, деди у, “юқорига, ғоялар оламига, биз жаннат деб атовчи осмонга қаратилган. Аристотель шу тарзда кўлини дунёга, аниқ ҳақиқатга узатади. (Нақадар ажойиб тасвир, деб ўйладим. Муҳаммад пайғамбар айтган: “Менинг икки томоним бор, бири дунёга, иккинчиси эса Аллоҳга қараган”) Европанинг тарихи осмон ва ер ўртасидаги доимий ўзаро боғлиқликдан иборат бўлиб, бу ерда осмон ўзгача равишда Худога очиқдир. Унинг Европанинг келажаги ушбу икки элемент ўртасидаги ҳаётӣ боғлиқликнинг тикланишига муҳтож деган хулосаси нақадар ғайриоддий.



Қадимги юнонча “*антропос*” (инсон) сўзининг туб маъноси “осмонга қараган инсон” бўлиши мумкин. Бизнинг тик туришимиз бизга юқорига қарашни, ердан осмонга етиб борадиган юқори интилишни беради ва бизни икки дунё ўртасида кўприк қилиб қўяди. Бизнинг қалбимизда, асл табиатимизда, бизнинг туб келиб чиқишимизга элтувчи мезон (*фурқан*) ёки компас мавжуд. (чунки иккала инглизча сўз бир илдиздан, лотинча орири, “кўтарилиш” ва “ориент-йўналиш” феълидан келиб чиққан, “юзни куёш чиқаётган йўналишга буриш” деган маънони англатади) Бу тўлиқ инсон эканлигимизни кўрсатадиган таянч тушунча ҳисобланади. Агар Папанинг сўзлари рост бўлса, бутун инсоният бу сўзнинг илдизида ўрнатилган функцияга эга бўлиб, лотинча “понтифекс-кўприк қурувчи”, Худо ва инсон ўртасида бир боғ яратади. Таълим осмонга етиб бориб осмон ва ерни, Худонинг севгиси ила ер юзида ҳаракатланувчи барча жонзотларни бирлаштириш учун куч бериши керак.

## ПЛЮРАЛИЗМ ВА ДИНАМИК ФАОЛЛИК

Кўпчилигимиз Инжилдаги Ибтидо китобидан (11:1-9) Бобил минораси ҳақида ўқиганмиз. Билмаган тақдиримизда ҳам қаердадир у ҳақида қулоғимизга эшитилгани аниқ. Ибтидо китобига кўра, Бобил минораси Нух (*Nūh*) авлодлари томонидан осмонга кўтарилиш учун такаббурлик билан қурилган. Уларнинг такаббурликлари учун жазо сифатида Худо қурувчиларни бир-бирларининг гапларини тушунолмайдиган қилиб, уларни саросимага солиб қўйган. Афсонага кўра, инсон нутқининг дунёнинг турли тилларига бўлиниши, шунингдек, инсониятнинг ер юзига тарқалиши шу сабабдандир. Бироқ Қуръон тиллар ва ирқларнинг хилма-хиллиги инсоният зиммасига юкланган жазо ёки юк, деган фикрни қўллаб-қувватламайди. Аксинча, нафақат маданият, тил ва ирқ жиҳатидан, балки динда ҳам барчага бирликни буюради. Плюрализм, оддийгина қилиб айтганда *фитраҳнинг* жиҳати, инсоннинг асл табиати ёки дастлабки

ҳолатидир. Маҳмуд Аюб сўзларига кўра, “Инсонларнинг фарқлилиги жамиятда бора-бора зотнинг бузилиши ёки аста-секин таназзулга учраши билан боғлиқ эмас. Бу илоҳий йўл-йўрик ёки маънавий тушунчанинг етишмаслиги натижаси ҳам эмас. Аксинча, диний хилма-хиллик табиий инсоний ҳолатдир. Бу жамият маданиятлари, тиллари, ирқлари ва турли муҳитларнинг хилма-хиллигининг натижасидир”. “Уйғониш”, деб ёзади Раббий Иброҳим Хешел, “ҳар доим инсоннинг имкониятларга мослашишдир. Икки юз ўхшаш бўлмаганидек, икки ақл ҳам бир-бирига ўхшамайди. Худонинг овози инсон руҳига турли йўллар билан, турли тилларда етиб боради. Битта ҳақиқат кўп тушунчалар билан ифодаланади”. Ненси Клайн “Хилма-хиллик гуруҳларнинг ақл-идрокини оширади. Бир хиллик инкор этишнинг бир шаклидир”, – дейди.

Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, неандерталларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган омиллардан бири уларда шундай кенгайиш имкониятларининг етишмаслиги эди. Неандертал миясининг кўп қисми кўриш ва тана назоратига бағишлангандай кўринади, ҳолбуки замонавий одамлар мураккаб, кенгайтирилган ижтимоий тармоқларни сақлаш учун ҳам кўпроқ мия кучини ишлатишади.

Қуръони Каримда кўп қирраликка буюрган оятлари кўплаб топилади: “Биз... бир-бирингиз билан танишингиз учун сизларни миллат ва қабилаларга айлантирдик” (49:13); “Агар Аллоҳ хоҳласа, барчангизни бир уммат қилиб қўйган бўларди, лекин сизларни синаш учун (ихтиёр қилди)...” (5:48) Қуръони Каримда инсон тиллари ва ранглариининг хилма-хиллиги аҳли илмлар учун аломат эканлиги айтилади (30:22) ва Муҳаммад Асад ўз сўзлари билан “одамларнинг қарашларидаги тўхтовсиз тафовут” ни тасдиқловчи бошқа оятларни қайд этади. Бу ғоялар тасодифий эмас, балки Худо иродаси, инсон мавжудлигининг асосий омилни ифодалайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қавмимнинг хилма-хиллиги неъматдир (*ikhtilāf ummatī rahmah*)” деганлари ривоят қилинади.

Плюрализмни фаол ўрганиш жараёнида уни оддий “бағрикенглик”ни фарқлаш муҳимдир. Омид Сафий бизга “инглизча толеранс-бағрикенглик” сўзининг маъноси жуда чуқур эканлигини эслатиб ўтади, чунки бу сўз ўрта асрлар оғушунослик ва фармакологияда мавжуд бўлиб, у организм ўлимга берилгунга қадар заҳарга “тоқат қилиши” маъносини беради. Диана Эк таъкидлаганидек, плюрализм бу шунчаки “кўплик” ёки “космополитизм” мавжудлиги эмас. Плюрализм динлараро тақдим этиладиган умумий гаплар тўғрисида содиқлик ёки тасалли берувчи ёлғон сўзлардан холи бўлган орзу-ҳавас ёки уйдирма ҳам эмас. Бу ҳақиқатга интиладиган учрашув, ўзгариш жараёнидир, у шунчаки “бошқани” тушунишга уринишдан ташқари, ўзаро англашнинг янги даражасидир. Ўзаро муносабатларни ривожлантириш плюрализмнинг асосини ташкил этади. Ўзаро муносабатларни шакллантириш, давом эттириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим усулларида бири санъат ва гуманитар фанлар учун етарли жой берадиган кенг ва мувозанатли яхлит таълимдир. Бу, айниқса, умумтаълим мактаблари ўқув дастурида аста-секин бериладиган нуқтаи назар сифатида жуда муҳим. Мусулмон жамиятларидаги таълим тизимларида бунга эътиборсизлик янада яққолроқ намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Гуманитар фанларга бой таълим танқидий ва ижодий фикрлаш, савол-жавоб ва очиқ-ойдин изланиш ҳамда муҳокама ва мунозаралар орқали самарали мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва бир қатор бошқа имкониятларни ҳам юзага чиқаради: ижодий санъат билан шуғулланиш қалбнинг очилиши, тасаввурни ишга тушириш, эстетик онгни ривожлантириш ва мия фаолиятини яхшилаш воситаси; кашфиётлар қилиш ва тўғридан-тўғри экспериментал ўрганиш, айниқса, табиятнинг гўзаллиги ва улуғворлигини; тарих, география, тиллар, адабиёт ва ижтимоий фанларни ўрганиш орқали инсоннинг ҳолатини тушуниш; хилма-хилликни қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган ҳамда маданиятлараро онгни фаол ривожлантирувчи очиқ юрак ва меҳр-оқибатли дунёқарашни тарбиялаш; шахсий хулқ-

атор, муносабатлар, фуқаролик, бизнес амалиёти, хайрия ёки атроф-муҳитга ғамхўрлик қилишда характер, фазилат, альтруизм ва ахлоқий кадриятларни ривожлантириш барчамиз учун жуда долзарбдир.

Таълим “бошқалар”ни билиш ва улар билан алоқа ўрнатиш орқали ўзимизни ривожлантиришга куч бериши керак.

## МАКТАБ РЕЖИМИ

Мен бу ерда плюрализм, хилма-хиллик, маданий алмашинув, муносабатлар ва билимларнинг кенгайиш уфқлари каби тушунчаларига эътибор қаратганимнинг сабаби буларнинг барчаси сўзлашиш, мунозара қилиш, диалог, диалектика, полилогия кабилар қайта қурилаётган таълим жараёнининг асоси сифатида, ўзини, жамиятни ва дунёни ўзгартириш кучини беради. Ғарбда ривожланиш психологиясининг Карл Ригел когнитив ривожланишнинг энг юқори босқичи сифатида конструктив қарама-қаршиликларни, парадоксларни ва асинхронияларни қабул қилиш қобилияти деб белгилайди, Жеймс Фаулер эса диалектик тафаккурни эътиқод ривожланиши билан боғлайди. Ўз-ўзидан маълумки, диалектик жараён йўқотилган аслият эмас, балки зиддиятларни охир-оқибат тиндирувчи ижодий кескинликдир.

Хўш, мактабларимизда нутқ маданияти борми? Роланд Барт Жон Гудлэд ва бошқаларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Америка мактабларида дарс вақтининг 85 фоизи ўқитувчиларнинг суҳбати ва ўқувчиларнинг тинглашига асосланган ва ўқитувчи томонидан бошқариладиган мунозаралар билан ўтказилади. Буюк Британиядаги мактабларимизда ўқитувчилар нутқининг катта қисми ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган деб умид қилиш мумкин эди. Аммо ундай бўлиб чикмади. Аслида, Британия ўрта мактабларида ўтказилган кенг кўламли сўров шуни кўрсатдики, ўқитувчиларнинг ўн фоиздан кўп бўлмаган қисми маърузаларда фикрлаш қобилиятини

ривожлантиришга ҳаракат қилишар экан. Унинг катта қисми назорат ва бошқарувга, жумладан, тартибни сақлаш ва кўрсатмалар беришга, фактлар ва маълумотларни паст даражада узатишга қаратилган. Талабалар нуктаи назарларидан келиб чиқиб юқори даражадаги сўров ёки англаш жараёнлари орқали дарсни ўзлаштиришлари мумкин бўлсада, улар тест ва баҳолаш режими талаб қилинадиган тизим учун тўғри жавобларни эслаб қолишга ҳаракат қилишади.

Афсуски, ўқитувчи маълумот узатишига йўналтирилган таълим жараёни (Гарвард ўқитувчиси Роланд Барт буни “Sit ‘n Git” деб атайти) инсон қобилиятларини уйғотиш ва тарбиялашни ўз ичига олмайди. Ислом таълими терминологиясида ақл ўргатиш ва билим беришга ҳаддан ташқари урғу бериш, бутун борлиқни тарбиялашда (*ta’līm*) фақатгина қолиплашган тизим (*tarbiyah*) орқали илмларни етказиш тўғри эмас дейилади. Яхши устоз нафақат муаллим, илм етказувчи, балки *мураббий*, қалб тарбиячиси ва руҳни ривожлантирувчи ҳамдир.

Замонавий таълим режими турли хил танқидлар объекти бўлди, жумладан, Жон Тейлор Гатто АҚШда замонавий давлат таълимининг асосини ташкил этувчи тизмаларга кучли айбловлар ёғдирди. Гатто Британиянинг таълим сиёсати ҳақида ҳам маълумот берувчи ўша кун тартибини фош қилади – болаларни иқтисодий машиналарга айлантирадиган, қизиқувчанлик, ижодкорлик, тасаввур, ўз-ўзини билиш ваколатлари бўлмаган, интеллектуал билими ва фикрлаш қобилиятини йўқ қиладиган тартиб. Американинг таниқли ижтимоий танқидчиси Нил Постман ҳам бугунги мактабларнинг иқтисодий фойда ва истеъмолчиликнинг “сохта худолари”ни тарғиб қилишларидан афсусда. Таълимнинг энг муҳим кучларидан бири бу ҳар қандай таълимотга қарши туришимизга имкон беришидир. Мен бир мисол келтираман. Диний таълим бўйича профессионал кенгаш ҳисоботида маълум бўлишича, 11 дан 18 ёшгача бўлган ўрта мактаб ўқувчилари орасида диний билимдан бохабар ва динни ўрганишдан ўз ҳаёти учун ижобий фойда кўраётганлар дин борасида салбий фикр билдирганлардан кўра кўп экан.

Ҳисоботда, шунингдек, фикр билдириш, мулоқот қилиш қобилиятини ошириш, бошқа динларга оид билимларга эга бўлиш, маданиятлараро уйғоқликни, фалсафани ривожлантирадиган мавзу бўлгани туфайли кўпчилик ўқувчиларга хуш келаётгани келтирилган. Бу билимлар диний таълимга “синдириш” деб қатъиян қарши бўлганларнинг мафкуравий хурофотларига зид келади, масалан, “файласуф” А. С. Грейлинг бир пайтлар диний таълимни “интеллектуал суистеъмол” ва эътиқод мактабларини “хурофот” деб таърифлаган. Баъзи диний мактабларда таълим жараёнининг айрим жиҳатларини тарғиб қилиш ва танқидий/диалогик фикрлашнинг йўқлиги билан бундай камчиликлар барча диний таълим даргоҳларида бор дейиш мутлақо нотўғри. Бундай умумлаштиришлар нафақат далилларга эътиборсизликни, балки ёшларнинг ўз тажрибасига нисбатан авторитар хурматсизликни ҳам кўрсатади.

Дин билан боғланиш маданий жиҳатдан шартли бўлган тафаккурда ва формулалар бўлса-да, бундай тизим маълум даражада биз “дунёвий” деб таърифлайдиган асосий таълим тизимига ҳам киритилганлигини тушунишимиз керак. Дорис Лессинг “*Олтин дафтар*”да шундай ёзади: “Бизда таълим тизими ҳали ривожланмаган, бу таълим эмас... Бошқаларга қараганда кучлироқ ва индивидуал бўлганлар ўзини тарбиялаш йўлларини топишга ва ривожлантиришга ҳаракат қилади. Қолганлар ҳар доим ёдда тутишлари керакки, улар ушбу жамиятнинг эҳтиёжларига мос келадиган тарзда шакллантирилади ва қолиплаштирилади. Ижтимоий файласуф Ханна Арент буни шундай таъкидлайди: “Тоталитар таълимнинг мақсади эътиқодни уйғотиш эмас, балки ҳар қандай қолиплардан холис бўлишдир”.

Таълим изланиш, нотўғри қарашларимизни йўқ қилиш ва қаршилик кўрсатиш кучини бера олиши керак.

## НАЗАРИЙ ХАТОЛИКЛАР, ШАРТЛИ ТАФАККУР ВА НОТЎҒРИ ТУШУНЧАЛАР

Биз “қотиб қолган одатлар ва шартли фикрлаш шакллари”га дунёни тушунишга бўлган доимий уринишларимиздан келиб чиқадиган ўтмишнинг нотўғри, аммо содда ва таъсирчан ҳикояларининг жозибadorлигини келтиришимиз мумкин. Ҳатто “оқилона” илмий ҳамжамият ҳам тарафкашликка мойил эканлигини тасдиқлай олдик. Худди шундай, биз идрок психологиясидан ҳам инсон онги нимани кўришни хоҳлаётганини ёки кутаётганини биламиз.

Биз, албатта, дунёда уйғунлик ва тартибни таъминлашга ёрдам берадиган таниш “назариялар” нинг ижобий динамикасини ва уларнинг инсониятнинг бир томонлама қабилачилик, мутаассиблик ва нотўғри қарашларни қўллаб-қувватлашга бўлган салбий таъсирини фарқлашимиз керак. Бир ўлчовли фикрлаш ва “сценарийлар” нинг механик қатъийлигига қарши курашиш нафақат академиянинг энг юқори поғонасидаги мутафаккир ва тадқиқотчиларнинг, балки журналистлар, шарҳловчилар ва маданият танқидчиларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши керак. Ҳақиқат ва далилларни очиш, таҳлил қилиш ва танқидий баҳолашни ўрганиш зарур ва бу функция ҳар доим ўз манфаати учун бузғунчиликка ёки ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз позициясини ҳимоя қилишга интилувчилардан каттароқдир, муқобил қарашлар, рақобатдош фикрлар билан интеллектуал жиҳатдан уларга ҳалол танқидий муносабатда бўлади. Ғарб цивилизациясининг асосий тамойилларидан бири Афлотуннинг фалсафий ишонтириш воситаси риторикадан мутлақо фарқли ва устун эканлиги ва бугунги кунда унинг Академиясида ишончли тарзда сақланиб қолганлигини тасдиқлашига асосланади. “Таълим кучи” веб-қидирувимадаги энг яхши ўнталикдан бири XIX аср инглиз файласуфи ва давлат арбоби Френсис Беконнинг “билим – бу куч” деган тез-тез такрорланадиган афоризмидир. Бу унинг (лотинча “*ipsa scientia potestastest*” – билимнинг ўзи кучдир) 1597-йилда ёзган “*Meditationes Sacrae*”



(Муқаддас медитациялар) асаридан топилган бўлиб, у ерда муаллиф билимнинг катта куч эканлигини айтиб ўтади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимидаги ўрнатилган анъаналаридан норози бўлганлиги сабабли, Бекон билимни ҳаракат билан қайта боғлашни, кўпроқ амалий билимларга урғу берилишини хоҳларди.

Шу мақсадда, Бекон қўллаб-қувватлаган назар бу онгни турли хурофот, шартлар, нотўғри тушунчалар ва таҳлил қилинмаган билимлардан тозалашимиз керак – у “инсон кумирлари” деб атаган нарса асл моҳиятни кўришни қийин қилиб қўювчи ва рангсизлантирувчидир – бунинг ўрнига тўғридан-тўғри тажрибада синаш, идрок этиш, кузатиш ва “тўғри тарғибот” қилишга таянишимиз керак. Беконнинг “кумир” атамасига аниқроқ мисоллар қаторига қуйидагилар киради: нарсаларни қолиплаштиришга ҳаракат қилиш, олдиндан бор бўлган фикрларни тасдиқловчи далилларни излаш, нимани кўришимизни ишташса шуни кўриш, нимага ишонишимизни хоҳлашса шунга ишониш, умумлаштириш, афзал кўриш, биргина қарашни ёқлаб қолганларини инкор этиш (масалан, янгиликда ўзгачаликни, бутунда қисм, ўхшашликда фарқларни кўриш ёки аксинча) ва сўзларнинг бир нечта маънога эга бўлиши мумкинлигини тушунмаслик. Бу жуда замонавий ва ўзгача рўйхат бўлиб, у когнитив психология ва тегишли фанларнинг ишлаши, нотўғри қарашлар, тарафкашлик ва ўрганишга бошқа тўсиқлар ҳақидаги кўплаб асосий топилмалар билан ажойиб тарзда уйғунлашади.

Иккига ажралиш тенденциясига келсак, у инсон тафаккури ва фаолиятининг аксарият соҳаларида бўлгани каби, таълим илдиизига ҳам сингиб кетган. Аниқ мисоллар келтирсак, ёдлаш аслида фикрлаш ва тушунишга салбий таъсир қилади ёки ижодкорлик мавжуд билимлардан қандайдир тарзда устунроқ деган кенг тарқалган нотўғри тушунчаларни ўз ичига олади. Яна бири – ихтисослашув, батафсил билимларни тўплаш фанлараро ёки кўп тармоқли таълимдан олинган кенглик ва ўзаро боғланишларга қарама-қаршидир, деган нотўғри тушунча. Буюк донишмандлар (шу жумладан, менга илҳом берганлар)

шунчаки чала ҳаваскорлар эмас, балки маъжозий маънода айтганда туннель орқасидаги каттароқ тасвирни кўролмайд қолганда ташвишга тушувчи мутахассислардир.

Келинг, Бекон томонидан таъкидланган яна бир нотўғри тушунчага – қатъий ғоялар ва умид қилиш натижасида юзага келган воқеликни хато идрок этиш ва далилларни эътиборсиз қолдиришга мурожаат қилайлик. Яқинда *The Times* журналида чоп этилган ва тегишли равишда “Саводсизлик индекси” сарлавҳаси остида ўтказилган сўров турли тоифалар, жумладан, 14 мамлакатдаги муҳожирлар ва мусулмонлар сони бўйича хайратланарли даражада ошириб юборилган баҳолар билан чиқди. Масалан, Америкаликлар мусулмонлар АҚШнинг 15% аҳолисини ташкил этади деб хулоса қилишди, аслида эса атиги 1% ни ташкил этарди.

Одамлар оммавий ахборот воситаларида бу кўрсаткич уларни ташвишга солаётгани ҳақида турли шов-шувли хабарлар билан чиқишди. Ҳақиқатни қўпол ва нотўғри талқин этишнинг яна бир мисоли – диндан келиб чиққан зўравонликни ортиқча баҳолаш. Шунини таъкидлаш жоизки, дин тарихан зўравон низоларнинг асосий сабаби бўлган деган нотўғри фикрга қарамасдан, диний сабаблар туфайли вафот этиш аслида ўн йил ичида содир бўлган 248 миллион ўлимнинг 3% дан камроғини ташкил қилар экан.

Таълим асл билимларни тўплаш, далилларга таяниш, шунингдек, шартли ва бир ўлчовли фикрлашга қарши туриш учун куч бера олиши керак.

## ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ

Мен чинакам сифатли таълим фақат инсоннинг жисмоний, ҳиссий, когнитив, идрок, тасавурий, ахлоқий ва маънавий кучлари ва қобилиятларини етук тушунишга асосланиши мумкинлигини асл моҳият сифатида қабул қиламан. Руҳий нуқтаи назардан қаралса, бу каби барча куч ва қобилиятлар илоҳий

инъомдир ва “Ёлғиз Аллоҳдан бошқа ҳеч қандай куч ва қувват йўқ (*lā hawla wa lā quwwata illā billāh*)” дир.

Умумий таълим тушунчаси ва амалиёти Исломда ҳам инсон қобилиятлари ҳақидаги ҳар томонлама қарашнинг ажралмас қисмидир. Қуръони Каримда бизга берилган қобилиятларни илмга эришиш ва ҳақиқатни аниқлаш учун ишлатиш ҳақида қайта-қайта айтилган насиҳатлар бор. Булар бизга бевосита кузатиш ва тажриба орқали, кўрсатма орқали ўрганиш имконини беради; фикрлаш, суриштириш, таҳлил қилиш, аниқлаш, фарқлаш, концепциялаш, баҳслашиш ва диалектика жараёнида иштирок этиш имконини берувчи тилга асосланган мунозарали ёки рационал қобилият (*ақл*); Қуръонда белгилаб қўйилган “ўзга” билан фаол муносабатда бўлиш учун асос бўлган муносабатлар ва ҳамдардлик қобилияти; онг ва қалбни ўзида мужассамлаштирган олий “онг”, жумладан, *тафаккур*, ички идрокни қамраб олувчи ижодий тасаввур; тўғрини нотўғридан ажрата оладиган, ўз хатти-ҳаракатларимиз учун шахсий масъулият ва якуний жавобгарликни ўз зиммамизга олдирувчи мезон (*фурқан*) билан мустаҳкамланган қобилиятлар ва буларнинг барчасидан аввало, Худони онгнинг энг олий қобилияти (*тақво*), муҳаббат қўрқуви ва Худонинг ҳамма нарсада мавжудлигидан хабардорлик ҳисси ва ўз ҳаётини шу онг асосида олиб бориш истагини беради.

Бу ақлий кучларни тўғридан-тўғри тажриба, маънавий баҳолаш ва руҳни онгдан ҳеч қачон ажратмайдиган инсон қобилиятларининг умумий тасаввуридир.

Инглиз тилидаги “develop-ривожлантириш” сўзи қадимги французча *des+veloner* “йўқ бўлиш ёки тортиш”, “очиш” маъносига эга тушунча ва лотинча “*educere* – таълим манбаи” сўзи инглиз тилига “*education* – таълим” сифатида олинган. “Очиш” тушунчаси таълим жараёнига ишора қилади, у инсонга Худо томонидан сингдирилган ва унга ўзига хос хусусиятларни берадиган муҳимликни акс эттирувчи туғма қобилиятларни бериш, фаоллаштириш, уйғотиш ва юзага чиқаришни ўз ичига олади. Инглизча “белги” сўзининг келиб чиқиши юнонча “ха-

рактер” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “белгилаш учун асбоб”, “харассеин” сўзидан олинган. Бу сўз Қуръон 95:4 да айтилишича, “*fi ahsani taqvim* – энг яхши шаклда” Худо томонидан яратилган, ўйиб ёзилган, муҳрланган, таъсвирланган ёки қалбга ўйиб қўйилган туғма инсон характери тушунчасини беради. Хулқ-атворнинг ривожланиши илоҳий асарнинг очилиши, салоҳиятнинг рўёбга чиқиши, инсон илоҳий сифатларга қодир бўлган даражада намоён бўлишидир.

Худо томонидан берилган инсон “кучи” ва “потенциали” тушунчасига бир лаҳза ишонч билан қарасангиз, “Инсон кучлари” ни google да қидирсангиз, натижада олинган 258 миллион жавоблар орасида куйидаги тўртта сайт мавжуд: 16 ҳақиқий супер кучга эга одамлар; 18 та мутант супер қаҳрамон; ҳақиқий ҳаётдаги мутант супер кучларига эга Х-одамлар ва кучларни ривожлантиришнинг уч усули. Иккинчиси “оддий одам бўлишнинг ўзи етарли эмас” дейдиган, зулматда кўриш, деворлар устида югуриш, мушук каби сакраш, ёлғонни аниқлаш бўйича мутахассис бўлиш кабилар билан онгсизлиги орқали бошқаларни ишонтиришни ўз вазифаси қилиб олган.

Оммавий ахборот воситалари ва оммавий маданиятнинг таъсири бу ерда жуда яққол намоён бўлади, лекин супер қаҳрамонлар ва супер кучларга бўлган ҳайрат ҳам инсон салоҳиятининг чуқур тан олинмаётганидан далолат беради. Инсоннинг тўлиқ салоҳияти ва қобилиятларининг кўлами бизнинг таълим тизимимизда ҳам, жамиятимизда ҳам мавжуд бўлган умуман паст умидларнинг кенг тарқалган маданиятида эътироф этилмаган даврдадир. Ўз потенциалимизнинг тўлиқ ҳажмидан беҳабар ҳолда, биз бу онгсизликни фақат хаёлий ва сенсацион кучлар ва мавжудотларга лойиҳалаштира олаяпмиз. Таълим инсон кучлари ва қобилиятларининг ҳажмини тан олиш ва уларнинг ривожланишини онгли равишда англаш имкониятини бериши керак.

## ҚАЛБАН МУКАММАЛЛИК

Стивен Сигал бош ролни ўйнаган “Қамал остида” фильмида Томми Ли Жонс Марказий разведка бошқармасининг махфий операцияларида иштирок этган ёлғончи собиқ ходимни ўйнайди.

У мутлақо ахлоқсиз одам, аммо Марказий разведка бошқармасидан нима учун уни ишга олганликларини сўрашганда, уларнинг сўзларига кўра, у ўзгача фойдали бўлиши мумкин бўлган “ижодий мутафаккир” эканлигини тушунтирди. Бу ерда биз “ижодкорлик” ва инсон характерининг юқори тушунчаси ўртасидаги узилишни кўрамиз. Ижодкорлик инсон мукамаллигининг бир жиҳати бўлиш ўрнига, ундан қандай мақсадларда фойдаланиш ҳақида ўйламасдан, шунчаки топилма сифатида тушунилади. 2010-йилида менга “хилма-хиллик” дастури остида ўтказиладиган Лондон шаҳридаги Голдман Саксинг йиллик Ҳайит байрамида асосий нутқ сўзлашдек муҳим иш зиммамга юкланди. Маърузамни “Ислому ва инсоний юксаклик” деб номладим ва уни (хилма-хилликка қўшимча равишда) профессионалик, ижодкорлик ва ҳалолликни ўз ичига олган ўзларининг бизнес тамойилларига асосладим. Мен “*Уолл-стрит*” фильмининг давоми бўлган “*Уолл-стрит 2: Пул ухламайди*” фильми кинотеатрларимизда намойиш этилиши арафасида эканлигини айтишдан бошладим. Майкл Дугласин ижро этган Гордон Геккони ким унутиши мумкин? Гекконинг айрим гаплари қуйидагилардан иборат: “Очкўзлик яхши. Мен ҳеч нарса яратмайман. Мен фақат эга бўла оламан. Қоидаларни биз тузамиз, дўстим. - Ҳамма гап пулда, кичкинтой. Бажаришга арзийдиган ҳар бир нарса фақат пул учун қилишга арзийди”. Мен ўтган ой қатнашган Майкл Дуглас билан бўлган интервьюда, у менга қизиқ воқеани сўзлаб берди. Унинг айтишича, 1987-йилда кино энди чиққан пайтларда ёш бизнес талабалар у билан учрашиш учун тўпланиб, унга: “Гордон Гекко! Сиз ҳақиқий эркаксиз, Гордон! Сиз бизни пул бизнесига киришимизга сабабчисиз!” дейишади. Дуглас бошини чайқайди ва шундай дейди: “Йўқ,

йўқ, ростдан ҳам, йўқ. Фильмга қаранг. Сиз бўлмоқчи бўлган инсон мен эмасман. Мен ёвуз одамман”. Йигитлар тушунмади. “ - Ҳа, Гордон! Сиз ҳақиқатан ҳам зўрсиз!”, деб давом этди Дуглас: “Энди мен ўша пайтларда Гордонни шундай зўр йигит деб ўйлаган МБА ёш талабаларининг қанчаси ўша компанияларни ҳалигача бошқараётган экан-а?”

Профессионаллик ва мукамаллик ўртасида муҳим фарқ бор. Ахир, биз профессионал қотил ҳақида гапиришимиз мумкин, лекин биз мафия аъзолари бўлмасак Мариони зўр қотил деб айтиш ғалати бўлмайдими? Вазифани бажаришда маҳорат ва самарадорлик инсоний характернинг мукамаллигини ўз ичига олади ва бу ахлоқий, охир-оқибат маънавий ўлчовга эга.

Бу ислом анъаналарида асосий тушунчадир. Арабча “*ihsan*” сўзи билан ифодалаган “*мукамаллик*” тушунчаси эзгулик, гўзаллик ва фазилат демакдир. Ислом санъати соҳасида гўзалликнинг иккита тушунчаси ўртасида ҳам асосий фарқни ажратиш мумкин: бири субъектив ва вақтинчалик (*jamāl*) ва бошқаси (*husn*), бу нафақат гўзалликнинг эстетик туйғусини, балки яратилган “тўғри ўлчов ва мутаносиблик” га ҳурматини, гўзаллик ва яхшилик ўртасидаги яқин тенгликни ҳам ўз ичига олади. Демак, гўзаллик илоҳий камолот сифатларидан ҳамда ўша муқаддас сифатларнинг инсоний акси бўлган ахлоқий фазилат, маънавий нафосат ва феъл-атворнинг мукамаллигидан ажралмасдир. Қуръонда олий қобилиятлар ҳар доим инсон мукамаллиги тасаввури билан ўзаро боғланган. Бу лотинча “интегер – бутун, тўлиқ” сўзидан келиб чиққан “яхлитлик”нинг асосий маъноси дир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, фикрлаш – бу шунчаки таҳлилий, мантикий мақсадга йўналтирилган фаолият эмас, у орқали хатто ҳақиқатни ёлғондан, ҳақни нотўғридан фарқлаш мумкин бўлади. Ҳақиқий мукамаллик принципиал ҳаракатланиш ва гўзал хулқ-атворда, шунингдек, фаолият соҳасини ўзлаштиришда маҳорат ва самарадорликда намоён бўлади. Флит кўчасининг юраги бўлмиш Голдмен Сачсда XVIII асрда Лондоннинг “ёритгичи” бўлган шоир, эссеист, адабиётшу-

нос, биограф, муҳаррир ва лексикограф Самуел Жонсоннинг сўзларига ишора қилган бўлардим. У Гоф майдонида яшаган. “Таълимнинг олий мақсади”, – деб ёзган эди у, “моҳирлик билан идрок этиш, яхшини ёмондан, аслини қалбакидан ажратиш қобилиятидир. Бу таъриф Муҳаммад Асаднинг арабча фурқан “*furqan* – ҳақиқатни ёлғондан, тўғрини нотўғридан ажратиш учун мезон” сўзининг таржимаси билан ажойиб тарзда тўғри келади. Асад томонидан “идрок этиш қобилияти” деб таржима қилинган “*al-a’rāf*- тўғрини идрок этиш” маъносини ўзида мужассам этган. “Идрокка асосланган англаш қобилияти” ни билдирувчи “*basīrah*” сўзи ҳақиқатни идрок этиш учун муҳим таъминловчи маънавий компасни ҳам ўз ичига олади. “Интеллект” (*ақл*) нафақат ақлий мулоҳаза юритиш қобилиятини ўз ичига олади балки маънавий ва руҳий идрокнинг олий органи концепциясини батафсил ўрганишда Карим Дуглас Кроу инсон ақлининг сўнгги таърифларида “донолик” атамасининг “билим ва тушуниш уйғунлиги бўлган ижтимоий ва ахлоқий ақлнинг комбинацияси” деган маънони англантишини таъкидлади. У “ақл” атамаси билан ифодаланган “интеллект” тушунчасининг асосий таркибий қисмларидан бири “руҳий-маънавий” термини деган хулосага келади.

Ақл-идрок Гай Клакстон “д-режими” (мунозара режими) деб атаган нарсадан анча узокроқдир, бу “муаммоларни аниқлаш, ижобий ва салбий томонларини билиш, аргументлар тузиш ва муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ақл тури ва билиш усули. Клакстоннинг ўзи таъкидлаганидек, д-режими инсон идрокининг энг чўққиси эканлиги ҳақидаги фароздан норозилик кучайиб бораётгани, Говард Гарднернинг “мураккаб ақл” ва Даниел Големаннинг “ҳиссий интеллект” каби ақл тушунчасига турли муқобил ёндашувларда акс этади. Ушбу муқобил ёндашувларга антропология, тарих, тилшунослик, метафизика, космология ва хатто квант назариясини синтез қилган Ф. Девид Пит каби олимларнинг дунёқараши ва анъанавий таълимотларини тасвирлаш учун қўшиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, мен Гарри Люиснинг, Гарвард коллежининг



собик декани томонидан Америкадаги олий таълимни қаттиқ танқид қилган “Қалбсиз мукамаллик” китобига мурожаат қиламан. Шарҳловчилардан бири кўплаб олим ва экспертларнинг Америкада олий таълим инқирозга учраганлиги ҳақидаги фикрини билдиради. Унинг таъкидлашича, “Коллеж шаҳарчалари” абадий зиёфат жойига айланган ва кўпчилик талабаларнинг ўзларини айблаб, бу авлод дангаса, ўйин-кулгига мойил дейишади. Люиснинг сўзларига кўра, Америкадаги коллежлар (Гарвард ҳам киради) бакалаврият таълимининг асосий вазифаси ўсмирларни улғайган инсонларга айлантириш, уларнинг ривожланишига, кимлигини билишига ёрдам бериш, ўз ҳаётлари учун каттароқ мақсадни излантириш ва коллежни яхшироқ инсон сифатида тарқатириш эканлигини унутиб қўйишган. Люиснинг фикрича, коллежлар талабаларга таълим учун сабабларни таклиф қила олмагани сабабли, талабаларни мазмун ва мақсад ҳақидаги чуқурроқ саволлар билан ўйланишга мажбур қила олмайди – улар муваффақиятсизликка учрайди. “Эски либерал таълим” деб ёзади у, “фақат номи билан яшайди. Гарвард энди инсон онги ва руҳини озод қиладиган нарсаларни ўргатмайди”, Келинг, Гарвард коллежининг мақоми ҳақида аниқроқ гапирайлик. Бу Гарвард университети таркибидаги бакалаврият даражасини берувчи иккита мактабдан биридир. Массачусетс штатининг Кембриж шаҳрида 1636-йилда ташкил этилган АҚШдаги энг қадимги олий таълим муассасаси ҳисобланади.

1209-йилда ташкил этилган Англиядаги Кембриж университетига ҳам, албатта, анча эртароқ асос солинган, лекин ундан ҳам аввалроқ, Марокашнинг Фес шаҳридаги Ал-Қаравиййин университети 859-йилда ташкил этилган ва кўпинча илк университет сифатида тилга олинади. 2014-2015-йиллар учун Garvard QS World University Rankings рейтингда 5-ўрин ва THE (Times Higher Education) рейтингда 1-ўринни эгаллади, Кембриж университети эса 1 ва 5-ўринларни эгаллади. Иккала рейтингда ҳам энг яхши университет АҚШ-Массачусетс Технология Институту бўлди. Ушбу рейтинг тизимида кўра му-

сулмон дунёсидаги энг яхши университети 15-ўринда Малая Университети (УМ) бўлган; у Араб дунёсининг топ университетлар 200 танинг ичида йўқ эди. Бундай статистик маълумотлар кўпинча мусулмон дунёсидаги интеллектуал турғунлик ва илм ишлаб чиқаришнинг танқислиги ҳақидаги нолалар билан ифодаланади, гарчи рейтингларнинг тўғрилиги ҳақида ҳам асосли мулоҳазалар билдирилса да. Шунга қарамай, рейтинглар университет даражасидаги таълим сифатининг кенг эътироф этилган ўлчовидир ва у мусулмон жамиятларидаги чуқур инқироздан далолат беради. Шундай бўлса-да, Люисники каби танқидлар таълим учун даво бўлади деган тахмин учун муҳим асос ҳисобланади. Мусулмон дунёси Ғарб моделларининг танқидсиз тақлидидир, чунки “чўлоқ” мусулмон институтлари орасида “қувиб етиш” даги “муваффақият” нинг асосий мезони уларнинг халқаро рейтинг тизими ва мезонлари билан белгиланган глобал мавқеини оширишдир. Таълимнинг кучларидан бири бу бизга инсон билимининг ривожланиши фақатгина бир томонлама эмаслигини кўришга имкон беришидир. Бу бир маданият ёки дунёқарашни бошқасига сингдириш эмас. Аксинча, бу ҳар бир маданият ва цивилизацияда мавжуд бўлган энг яхши интеграциядир. Таълим ҳақиқат, маъно, мақсад ва тўлиқ инсон бўлиш нимани англатишини ўз ичига олган мукамалликнинг универсал тасаввурига эришиш учун куч бериши керак.

## ИҚТИБОСЛАР

Эрмитаж музейига Элгин мрамрларидан бирининг олиб турилиши бўйича маълумот *The Times* журналининг 5/12/14 да пайдо бўлди. Рассел Босвортнинг Сократ мероси ҳақидаги қисқача фикрларини <http://www.philosophyworks.org/content/lives-plato-and-socrates> сайтида топиш мумкин. (8/12/14) Бен-жамин Жоветт томонидан таржима қилинган Афлотуннинг Кечирим сўзини <http://classics.mit.edu/Plato/apology.html>. манзилидан кўриш мумкин. Deutsche Welle нашрининг мақоласи “Билим – бу куч: таълим нима учун муҳим” деб номланган ва унга қуйидаги манзилида <http://www.dw.de/knowledge-is-power-Why-education-matters/> кириш мумкин. (4/12/14) Томас Мертоннинг “ўзимиз ўйлагандек яшаиш” зарурлиги ҳақидаги фикрлари “*Ёлғизликдаги фикрлар*” (Farrar Straus Giroux, 1993) ва Роберт Инчаусти томонидан танланган ва таҳрирланган “Seeds” (Бостон, МА: Шамбҳала нашрлари, Инс., 2002), 131-бет. Зияуддин Сардорнинг эркин фикрлаш ҳақидаги эссеси “*Эркин тафаккур доираси*”, “*Танқидий муслмон*” (Хавфли эркин фикрловчилар), октябрь-декабрь 2014, 3-14- бет. Девид Бомнинг квант физикаси назарияси унинг яхлитлиги ва мазмунли тартиби. (Лондон: Роутлеж, 1980) Ибн Ҳалдуннинг асабийях ҳақидаги қарашлари Асйиқин Абдул Ҳалим ва бошқалар, “*Ibn Haldun’s Theory of “Asabiyah and its Application in Modern Muslim*”, Middle-East Journal of Scientific Research журналлари 11:9, (2012) 1232-1237 бетда кўриб чиқилган. Пайғамбарнинг асабийях ҳақидаги сўзлари Муҳаммад Асад томонидан Қуръон 28:15 ва 49:13 шарҳларида қайд этилган.

Ибн Арабининг “*Ал-Футуҳат ал-Маккийях*” бобидаги “руҳий саросимага тушганлар” (хайра) бобидан Жеймс Уинстон Моррис томонидан таржима қилинган, унинг “*Reflective Heart: Discovering Spiritual Intelligence (Рефлектив қалб: Руҳий интеллектнинг очилиши)*” Ибн Арабийнинг “*Руҳий ақл-закватни кашф этиш*” тушунчаси (Лоусвилл: Фонс Вита, 2005), 81-бет. Аҳмад Мустафо ва Стефан Сперлнинг асари “*Космик*

ёзув: *Муқаддас геометрия ва араб қаламига оид илм*”. (Лондон: Темза ва Гудсон, 2014) Муҳаммад Асаддан Қуръоннинг Ғарб цивилизацияси ривожига таъсири унинг “*Қуръон рисоласига*” сўзбошисидан ҳамда Асаднинг бошқа иқтибослари унинг ушбу асардаги шарҳидан олинган. (Bath: The book foundation, 2004) Қуръондан иқтибосларим, одатда, Асад таржимасидан, вақти-вақти билан ўзгартиришлар киритилган. Ғарбчилик тарафдорлари Жек Гудининг “*Тарихни ўзгирлаш*” (Кембриж университети матбуоти, 2006) ва *Renaissances: The One or the Many?* (Уйғониш даври: биттами ёки кўпми?) (Кембриж университети нашриёти, 2010) Шунингдек: Жонатан Лёнс, Донолик уйи: Араблар Ғарб цивилизациясини қандай ўзгартирган (Блумсбури, 2009) ва Жон Хобсон, Ғарб цивилизациясининг Шарқий келиб чиқиши. (Кембриж университети нашриёти, 2004)

Зиауддин Сардорнинг “*The Guardian of Sebastian Folks*” (Себастиан халқининг кўриқчиси) да Қуръонни рад этиши ҳақидаги шарҳи “*Reading the Qur’an in the Dark*” (Қоронғуликда Қуръон ўқиш) (27/8/09) деб номланган ва унга <http://www.theguardian.com/commentisfree/belief/2009/aug/27/sebastian-faulks-quran-islam> 2/9/14 да киритилган.

Рим папаси Францискнинг 2014-йил 25-ноябрда Европа Парламентига қилган мурожаати 4/12/14 [http://w2.vatican.va/content/francesco/en/speeches/2014/ноyabr/documents/papa-francesco\\_20141125\\_strasburgo-parlamento-europeo.html](http://w2.vatican.va/content/francesco/en/speeches/2014/ноyabr/documents/papa-francesco_20141125_strasburgo-parlamento-europeo.html) да келтирилган. Сўзларнинг келиб чиқиши бўйича олиб борилган ишлар Жон Айто, *Bloomsbury Dictionary of Word Origins* (Блумсбури: туб сўзлар луғати) (Лондон: Блумсбури босмаҳонаси, 1990), *Касселнинг сўз тарихи луғати*. (Лондон: Кассел, 2000) ва *Чамберс луғати* (Эдинбург: Чамберс, 1988)

Диний плюрализмнинг Қуръон асослари ҳақида: Ризо Шоҳ-Казимий, “*Динлараро диалог метафизикаси: Қуръон хабарининг универсаллиги бўйича сўфий нуқтаи назарлари*”, Жеймс Кетсинжер (тахр.), *Paths to the Heart: Sufism and the Christian East*. (Қалбга йўллар: Тасаввуф ва шарқ христианлиги) (Блумингтон, Индиана: Ворлд вискон, 2002) Маҳмуд Аюб-

дан иқтибос унинг “*Қуръон ва Диний турлилик*” Рожер Боуз (тахр.), Ислом ва глобал диалог, диний плюрализм ва тинчликка интилиш (Алдершот: Ашгейт, 2005) асаридаги “*Қуръон ва диний плюрализм*” иншосидан олинган. 273-бет. Рабби Иброҳим Хешелнинг сўзлари шахзода Ҳасан Бин Талал томонидан Жонатан Магонетнинг “*Бошқа билан гаплашиш: Яҳудийларнинг насронийлар ва мусулмонлар билан динлараро мулоқоти*”. (Лондон: И. Б. Таурис, 2003) Ненси Клайннинг иқтибослари унинг “*Ўйлаш вақти: Инсон онгини тинглаш*” (Лондон: Қулф, 1999), 97-бет. (Тхе Гуардиан, 2/6/13) 1/12/14 саҳифасида <http://www.theguardian.com/science/2013/jun/02/why-did-neanderthals-die> манзилида joylashgan манзилида жойлашган.

Мен мурожаат қилган плюрализмга оид бошқа асарлар орасида Диана Л. Эск. *Encountering God* (Худо билан учрашиш) (Бостон: Бисон Пресс, 1993), 198-бет; Омид Сафи (тахр.), Адолат, гендер ва плюрализм бўйича прогрессив мусулмонлар (Оксфорд: Ягона дунё босмахонаси, 2003) 24-бет ва Холид Абу ал-Фадл, Исломда бағрикенгликнинг ўрни (Бостон: Бисон Пресс, 2002), 16-бет. Буюк Британияда асосий таълимда гуманитар фанларнинг прогрессив чегараланиши Робин Александр томонидан Кэмбриж бирламчи шарҳида қатъий хужжатлаштирилган. (<http://www.primaryreview.org.uk/>) Мен ўзимнинг олдинги асарларимдан плюрализм бўйича баъзи материалларни ҳам тўпладим, жумладан: Жереми Ҳензелл-Томас, “*The Challenge of Pluralism and the Middle Way of Islam*” (*Турлиликдаги муаммолар ва Исломдаги ўрта йўл*), Рожер Боас (2005), 267-272- бет; “*Бобил минораси ортида: Ислом плюрализидаги асосий тушунчаларни оидинлаштиришга лингвистик ёндашув*” Ванда Краусе (тахр.), Фуқаролик, хавфсизлик ва демократия: мусулмонлар билан ҳамкорлик (Ричмонд: АМСС УК, 2009), 32-34-бетлар; “*Британия ва мусулмонлар: ўзаро ҳамкорлик орқали қадриятларни ҳисобга олиш*”, Арчес Қуортерли, 4:8 (2011), 30-43-бетлар.

Афлотуннинг диалектиканинг риторикадан устунлиги таълимоти ҳақида: Р. Варди, “*Риторика*”, Ж. БруншвиҒ ва Г. Ллойд

(тахрирлар), *GreekThought: A Guide to Classical Knowledge*. (Кембриж, Гарвард университетининг Белкнап нашриёти 2000) 465-бет.

Инсон тафаккурининг илғорлиги сифатида диалектика ҳақида: Карл Ригел, “*Диалектик операциялар: Когнитив ривожланишнинг якуний даври*”, 16:5 (1973) ва Жеймс В. Фаулер, Эътикод босқичлари: Инсон тараққиёти психологияси ва маъно изланишлари. (Сан-Франциско, СА: Ҳарпер ва Ров, 1981) Роланд Бартнинг ҳаддан ташқари “ўқитувчи нутқи” ни танқид қилиш “*Юракдан ўрганиш*” асарида (Сан-Франциско: Жоссей-Басс, 2001) мавжуд. Жон Тейлор Гаттонинг АҚШдаги давлат таълим тизимига нисбатан айблови ўзининг *Dumbing Us Down: The Hidden Curriculum of compulsory schooling* (Бизни ортга тортаётган нарса: Мажбурий мактаб таълими) (Нью Сосаити Паблишерс, 1992) асарида. Нил Постменнинг сохта “худолар” нинг қораланган таълимини танқид қилиши унинг “Таълимнинг охири: мактаб қийматини қайта белгилаш” китобида. “*Ҳикоядаги хатоликлар*” муаммоси бўйича Нассим Николас Талеб, “*Қора оққуш: мумкин бўлмаган нарсанинг таърифи*” (Нью-Ёрк: Рандом Ҳаус, 2007) ва Даниел Кахнеман, “*Thinking, Fast and Slow*”. (Тез ва секин ўйлаш) (Лондон: Пенгуин Букс, 2012) Френсис Беконнинг *Meditationes Sacrae* (Муқаддас медитациялар) (1597) асарини Кессингер Публишинг, 1996 ва 2010. Беконнинг “*Тўрт мукаммаллар*”, “*Платоннинг меросхўрлари: Классик иншоолар*” (Линсолнвуд: НТС Паблишинг Гроуп, 1996), 53-63-бетлар. Ёдлашнинг аҳамияти тўғрисида: Майкл Кнок Бераннинг “*Ёдлаш ҳақида*”, Сити Журнали, 2004. Ижодкорлик ва билимлар тўплами ўртасидаги муносабат ҳақида Роберт Ж. Стернберг (тахр.), Ижодкорлик қўлланмаси (Кембриж: Кембриж университети нашриёти, 1999) даги Роберт Вайсбергнинг “*Ижод ва билим: назариялардаги муаммо*” да келтирилган. Ипсос МОРИ томонидан жамоатчилик фикри бўйича сўров 14 мамлакатдаги 11, 527 интервьюларга асосланган ва *TheTimes* журналида 30/10/14 да чоп этилган.

Буюк Британияда талабалар орасида диний таълимнинг оммабоплиги ҳақидаги ҳисобот Л. Блейлок (таҳр.), Ўрта диний таълимда ёшларни тинглаш, Диний таълим бўйича профессионал кенгаш (ПСФРЕ), сентябрь, 2001. А. С. Грейлингнинг диний таълимни “интеллектуал зўравонлик” деб рад этиши ВВС радиосининг 2002-йил 1-июнь куни “*Ахлоқий лабиринт*” ида диний мактаблар бўйича муҳокамада айтилган. Шунингдек, унинг The Guardian журналидаги “Хурофот геттолари” (11/9/07) мақола-сида: 5/12/14 <http://www.guardian.co.uk/commentisfree/2007/sep/11/ghettoesofsuperstition> Дорис Лессингдан ақидапарастлик ҳақидаги иқтибоси унинг “*Олтин дафтар*” романидан (Харпер Перенниал, 2007) ва Ханна Арендтдан тоталитар таълим ҳақидаги иқтибоси (Харсоурт Брасе Жованович, 1968), 168-бет. “*3 Ways to Develop Powers*”. (Кучни ривожлантирувчи 3 йўл) веб-сайти <http://www.wikihow.com/Develop-Powers> (5/12/14) Карим Дуглас Кроунинг “*Донолик ва ақл ўртасида: Илк исломда ақл-идрокнинг аспектлари*” номли тадқиқоти Исламика журналида 3:1 (Ёз 1999), 49-64- бетлар. Гай Клакстоннинг фикрлашнинг турли услублари ҳақидаги таъсирли қарашлари унинг “*Қуён мияси тошбақа онги: камроқ ўйлаганингизда ақл нима учун ошади*” (Лондон: Тўртинчи ҳокимият, 1994) асарида. Ф. Девид Пит ўзининг “*Blackfoot Physics*” (Блекфут Физикаси) (Лондон: Фоурт Эстейт, 1994) асарида маҳаллий фанларни ўрганади.

Гарри Люиснинг замонавий либерал таълимда маъно, мақсад ва ахлоқий компаснинг йўқолиши ҳақидаги танқиди “*Америка ўзининг зўрлигида руҳсиз: Либерал таълимнинг келажаги борми?*” (Жамоатчилик билан алоқалар, 2007) ва иқтибос келтирган шарҳ Дерек Меллеби томонидан СПЮ (Ота-оналар/Ёшлар маркази веб-сайтида кўриш мумкин 26/8/14) 2014/15-йиллар учун ҚС жаҳон университетлари рейтинги 7/12/14 саҳифасида <http://www.topuniversities.com/qs-world-university-rankings> орқали кўриш мумкин. Таълим бўйича мен ўзимнинг бошқа асарларимда турли фикрларни баён қилдим, жумладан: “*Заҳра Ал-Зирага сўзбоши*”, “*Бутунлик ва муқаддас таълим: Ислом*

*нуқтаи назари*” (Ричмонд: Исломиёй фикрлаш халқаро институти, 2001); *“Тўқнашувчи қоялар орасидан ўтиш: умумий ва инклюзив ўзига хослик учун изланиш”*, The Journal of Pastoral Care in Education журналида, 22:3 (2004), 35-44- бетлар. *“Фикрлаш қобилиятлари: ақлни яхлит тарзда жалб қилиш”*, Исламика журнали 15 (2005); *“Қутидан ташқарида фикрлаш”*, Исламика 17 (2006); *“Муслмон ёшлари ва асосий инсоний қадриятларнинг янгилалиши: таълимнинг марказийлиги”*, асосий маърузаси, АМСС конференцияси, *“Муслмон ёшлари: муаммолар, имкониятлар ва умидлар”*, Честер университети, 2009; *“Исломи ва инсоният юксаклиги”*, асосий нутқи, Голдман Сачсдаги ҳайит тадбири, Лондон, 30 сентябрь 2010; *“Исломи таълими: қулай бурчак, оқсоқ ўрдак, мувофиқлик моделими ёки мукамаллик маёқчаси?”*, тақдимоти Британияда Исломи контекстлаштириш бўйича таълим бўлимига киритилган ДСЛГ (Кембриж университети, 2012) учун (профессор Ясир Сулаймон билан бирга) тузилган ҳисобот.





1597-йилда таниқли инглиз файласуфи ва олимига тегишли бўлган “Билим – бу куч” деган баёнот бугунги кунда ҳам билимнинг замонавий дунёда муҳимлигини таъкидлайди. Таълим мактабдаги илк тажрибамиздан то олий таълимгача бўлган билимларимиз унинг ривожланишининг асосини ташкил қилади. Инсонлар ўз билимларини касбий ва шахсий ҳаётларида қўллашади, жамият эса жамоа сифатида биз яшаётган дунёни шакллантиради. Шунинг учун таълимнинг кучи муваффақиятли жамиятни ривожлантиришнинг калитларидан биридир ва бутун инсониятга фойда келтирадиган омилдир. Аммо бари ёмонлашди! Жамият, кадриятлар ва ахлоқнинг ҳаммаси таназулга юз тутди. Қандай қилиб таълим самарали ва адолатли жамият куриш кучини йўқотди? Бу пасайишни қандай ортга қайтариш мумкин? Муаллиф “Таълимнинг кучи” асарида биринчи бўлиб сўрайди: таълим нима? Таълим, шахс ва жамият нимага муҳтож? Таълим инсониятнинг “ақли ва руҳи” билан қайта боғланиши ва инсониятнинг буюк мақсадини топиши учун энг муҳим асослардандир. Бу фақат моддий юксалиш ва шахсий ривожланиш учун шахсларни ўстирувчи заводдан фарқ қилади. Кадриятлар, ахлоқ, раҳм-шафқат, ҳамдардлик, миннатдорчилик, ўзаро ҳурмат, адолат ва ижтимоий масъулият – буларнинг барчаси муваффақиятли жамиятни ташкил этувчи шахслар учун муҳим хусусиятлардир. Самарали таълим методологиясини қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш орқали ҳамма учун тенглик ва адолатга асосланган дунёни куриш йўлида ҳаракат қилиш мумкин.

**ЖЕРЕМИ ХЕНЗЕЛЛ-ТОМАС** Кембриж университети Ислом тадқиқотлари марказининг илмий ходимидир. Қиролик санъат жамияти аъзоси ва Муслмон Ижтимоий Олимлар Ассоциацияси (АМСС УК) Ижроия қўмитаси аъзоси, у Исломофобия ва Ирқчиликка қарши Форумнинг (ФАИР) биринчи раиси ва китоб фонди ижрочи директори ҳисобланади. Ҳозирда *Critical Muslim* журналининг муҳаррири ёрдамчиси, у бир неча йиллар давомида Исламика ва Эмел журналлари учун мунтазам руқнларни ёзган. *The Times* журналидаги Кредо руқнини ҳам у ёзган. Эдинбург университетининг амалий тилшунослик бўйича собиқ ўқитувчиси, у ўзининг филология ва психолингвистика бўйича академик ихтисосликларини Ислом ва муслмонлар ҳақидаги жамоатчилик идрокига таъсир этувчи замонавий муаммоларга, шунингдек, бир қатор ижтимоий соҳаларда танқидий мулоқот ва полилогияни ривожлантиришга, маданияти ва маърифий контекстлар татбиқ этишга интилади.

